

# ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ УЗЛУКСИЗ МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

М.А.Нормуродова

Фармацевтика таълим ва тадқиқот институти ўқитувчиси

## **Аннотация:**

Ушбу мақолада халқ таълимда узлуксиз методик таъминлашнинг ташкил этишнинг педагогик шарт-шароитлари, ҳақида таълимда инна инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти баён этилган. Шунингдек, билимларнинг ўқувчилар томонидан самарали ўзлаштирилишига хизмат қилиши асосланган

**Калит сўзлар:** соғлом бола, ахборот коммуникацион технология, узлуксиз таълим, эҳтиёж, дастур, дарслик, мультимедиа, фаоллик.

Узлуксиз таълим тизимида сифат ва самарадорликни белгиловчи асосий вазифаларни амалга ошириш, таълим муассасаси мутахассислари фаолиятини инновацион ташкил этиш, таълим тизимини методик таъминлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Таълим жараёнида ўқувчи шахсининг дарс марказидаги фаолиятини таъминлаш ўқитувчи зиммасидаги масъулиятли вазифадир. Ўқитувчи ана шу жараёнда дарс лойиҳасини мақсадга мувофиқ ташкил этмоғи ва кўзланган натижага эришмоғи учун изланиши, янги ғоялар билан дарсга кириши, ҳар бир дарсни янги бир асардек ташкил этмоғи керак.

Инновацион технологиялар таълим соҳасига XIX аср бошида таълим жараёнини инсонпарварлаштириш ғояси асосида кириб келган. Бунда ўқувчининг ўз хоҳиш- истагига қараб, қизиқишларини қондириш, ҳар бир болани ҳурмат қилиш, ўқувчи шахси таълим-тарбия жараёнининг марказида бўлиши масалаларига эътибор қаратилади.

Ҳозирги кун ўқувчисининг эҳтиёжи нимадан иборат?

Унинг оламига қизикқан ва у яхши кўрган восита билан таъсир этиш, албатта ўқувчининг жараёнида сифат ва самарадорликка ижобий таъсир кўрсатади.

Дарс жараёни мураккаб ижодий машғулоти. Унинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқувчиларнинг фаоллигига боғлиқ. Унинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқувчиларнинг фаоллигига боғлиқ. Уларни фаоллаштириш учун ахборот технологиялари, ўйин, баҳс, суҳбат, мусобақа, саёҳат, конференция, давра суҳбати, ролли ўйинларни қўллаш, китоб билан ишлаш, компьютер машғулотларига етарлича вақт ажратиш керак.

Таълим жараёнида ахборот коммуникацион технологияларнинг ўринли қўлланилиши, машғулотларнинг қизиқарли тарзда ташкил этилиши билан бирга ўқув материалларининг чуқур ўзлаштирилишига кенг имконият яратиб беради.

“Соғлом бола йили” Давлат дастурида қуйидагилар асосий вазифалар сифатида белгилаб қўйилган:

4- бандда соғлом болани шакллантиришда таълим тарбия тизими ва спортнинг ролини кучайтириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, уларни юқори малакали ва тажрибали педагоглар билан таъминлаш, бошланғич таълимнинг юқори сифатини таъминлаган ҳолда болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тубдан ошириш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларни амалиётга кенг жорий этиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, болалар, айниқса, қиз болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб қўйилган.

71- бандда бошланғич синфларда ўқитиш сифатини яхшилаш чора – тадбирларини амалга ошириш, шу жумладан:

1-4 синфлар учун тшу ёшдаги болаларнинг психологик-физиологик ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолода ўқув дастурлари ва дарсликларини танқидий қайта кўриб чиқиш;

Ўқитиш жараёнига илғор педагогик ва ахборот -коммуникация технологияларни кенг жорий этиш:

Илғор ва ахборот коммуникация технологияларини бошланғич синфлар ўқитувчилари фаолиятига жорий этиш бўйича методик қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва нашр этиш;

Бошланғич синфлар дарсликлари учун мултимедиа ишланмаларини босқичма-босқич ишлаб чиққан ҳолда ўқитишнинг ўйинли шакллари ва медиатеكنولوجياлардан фойдаланишни кенгайтириш каби вазифалар белгилаб берилганки, давлат дастурининг ушбу бандлари бошланғич синф ўқитувчилари зиммасига масъулият юклайди.

2014-2015 ўқув йилига мўлжалланган анъанавий август кенгашларининг жойларда ўтказилган семинарларида ҳозирги кунда энг долзарб бўлган мавзулар бўйича тайёрланган шўъбаларнинг бири “Бошланғич таълимни мазмунан такомиллаштириш ҳамда ўқув жараёнининг методик ва ахборот таъминоти масалалари” деб номланади ва бу мавзу доирасида бир қанча масалалар кўриб чиқилди.

“Соғлом бола йили” Давлат дастур доирасида ўқув жараёнини самарали ташкил этиш, ўқитувчилар, ўқувчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш, методик махсулотлар билан таъминлаш учун ўтган йиллар мобайнида таълим тизимида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

71- банди топшириқларига мувофиқ 1- синфларда 7 номдаги дарсликлар учун мултимедиа иловалар тайёрланди.

94- банд бўйича болаларни мактаб таълимига тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида илк мартаба ота-оналарга фарзандларини мактаб таълимига тайёрлаш учун 5 номдаги

- “Нутқ ўстириш, ўқиш ва саводга тайёрлаш”;
- “Математик тасаввурларни шакллантириш”;
- “Болажон” дастури асосида насрий ҳамда шеърий тўпламлар,
- “Соғ танда - соғлом ақл” номли қўлланмалар яратилди.

Ушбу қўлланмалар умумтаълим мактаблари кутубхонасига кирим

қилиниб, келгуси ўқув йилида мактабга чиқадиган болаларнинг ота -оналарига фарзандини мактабга тайёрлашда фойдаланиш учун йил якунида қайтариш шarti билан давлат томонидан бепул берилади.

Таълим жараёнини яратилган мультимедиали ресурслар билан ташкил этиш албатта ижобий натижаларни кўрсатади. Мультимедиали илова ларнинг афзаллик томонларидан бири мавзуларга тегишли анимациялардан гипермуружаатлаш ёрдамида фойдаланиш имконияти мавжуд. Анимациялар ҳаракат ва овоз билан бойитилиши эвазига ўқув материалларининг мазмунини кенгроқ ва тушунарли тарзда ёритиб беради.

Дарс жараёнида ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланишда мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази сайтида барча бошланғич синфлар учун намунали видеодарслар жойлаштирилган. Ўқитувчилар таълимга оид сайтларга кириб ўзлари учун керакли материаллар билан танишиб чиқсалар уни таълим жараёнига татбиқ этсалар, албатта дарснинг сифат ва самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Агарда ўқитувчилар таълим жараёнини ҳар бир мавзуга ижодий ёндашган ҳолда илғор педагогик технологиялар ўринли фойдаланиб, ноанъанавий усуллардан, яъни мунозара , эртаклар, ўйинлар, компьютер технологиялари, саёҳат, давра суҳбатлари тарзида ташкил этсалар, албатта ўқувчилар учун ижодий муҳит яратилиб мавзу ўқувчи томонидан тўлақонли равишда ўзлаштирилишига имкон яратилади. Ҳеч бир ўқувчи дарсга безътибор қолмайди. Дарсда ўқувчи фаоллиги бир мунча ошади.

Бошланғич таълимда – таълим -тарбия самарадорлигини ошириш йўллари ҳам бевосита бошланғич таълимни нуфузли педагог-кадрлар билан таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш, синфхоналарни замон талаблари асосидаги техника воситалари ва кўргазмалар билан жиҳозлаш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўқув- методик қўлланма, тавсия, дидактик материаллар, дарслик билан таъминлашдан иборат. Агарда ўқитувчи дарсни яхши ташкил этса;

- арсда ўқувчи фаоллиги ошади;
- қувчининг вербал коммуникатив кўникмалари шаклланади;
- фанга бўлган қизиқиши ва эътибори кучаяди;
- ҳар бир дарсни муаллифлардек ҳис этади.
- Ахборот билан ишлаш, ахборот қидириш, зарурларини ажрата билиш, қайта ишлаш, тартибга солиш, ахборотлардан мазмунини тушуниш, мантиқий яқинларини ажрата олишга ўрганади. Шулар асосида ахборотни олиш маданияти шаклланади.

Ўқитувчининг ўзи эса технологик жараёнда замон билан ҳамнафас, дарсларни бир неча манбалар ва энг сўнгги янгиликлар билан бойитувчи, ўқувчи кўз ўнгида эса мукамал шахс сифатида шаклланиб боради.

Амалиётнинг кўрсатишича, дарс жараёнида ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш дарс мавзусининг муаммоли масалаларига диққатни қаратиш имконини беради.

Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ақлий салоҳиятининг ўсиб бориши, уларнинг таълим мазмунига чуқурроқ кириб боришга интилиши, ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиб дунё янгиликлари билан яшаши ҳамда таълим соҳасидаги энг сўнгги янгиликлардан бохабар бўлиб боришни талаб этади.

Умумий ўрта таълим муассасалари педагогларни таълимдаги янгиликлар билан таништириб бориш, замонавий инновацион технологиялар ва интерфаол усулларини ўргатиш, ахборот технологиялари бўйича касбий малака ва маҳоратларини оширишга қаратиш мақсадида Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази базасида масофавий методик хизмат кўрсатиш тизими йўлга қўйилди. Бу эса педагогларимизнинг инновациялар билан танишиш, дарс жараёнига татбиқ этиш, ўз устиларида тинимсиз ишлаш, изланиш каби катта имкониятларни беради.

Ташкил этилган “Маҳорат мактаблари” ҳам ўз навбатида методик ёрдам ўчоғи ҳисобланади. Туман ва шаҳарларда мутахассислар томонидан ташкил этилган ўқув семинарлар ҳам тренерлар ва ўқитувчилар учун катта методик таянчдир.

Инновацион технологияларга асосланиб дарсларни ўтказиш яхши натижалар бермоқдаки, ахборот коммуникацион технологияларни ўқув жараёнида қўллаш жаҳон амалиётида кенг қиррали бўлиб, унга педагогик, психологик, дидактик, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа нуқтаи назарлардан ёндашиш лозим.

Халқ таълими тизимини узлуксиз методик таъминлаш педагоглар учун асосий манба бўлиб, таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи жараёндир. Педагогик жараёнларга таълимнинг замонавий технологияларини киритиш ёшларни мустақил ижодий ишлашга, эркин фикрлашга ўргатишни ҳозирги давр талаби экан, унинг таълим - тарбия билан узвийлигини таъминлаш бугунги кун вазифасидир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. И.А.Каримов “Баркамол авлод орзуси”.1999. Б. 36.
2. Habibova, M. N. (2021). Joʻjina Houellning “Queen of the desert” biografik asarida gertruda Bell timsoli tasviri. Academic research in educational sciences, 2(2), 770-778.
3. Сафо Очил. Мустақиллик ва тарбия масалалари. Т; “Ўзбекистон”, 1995.
4. Рахимов. Касбий -педагогик маҳоратнинг таълим самарадорлигини оширишдаги аҳамияти 97-101.
5. Kurbanova , G. (2022). PEDAGOGIK MULOQOT VOSITASIDA KASBIY TAFAKKURNI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOYIY-TARIXIY ASOSLARI. Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy
6. Akhmedova Dilnoza Anvarovna. (2023, 23 January) Strategies for Increasing Awareness of Pharmaceutical Students' Divergences. Miasto Przyszłości 31, 277-280 And Culture, 2(9), 12–16.